Ўзбекистон
Овози
2001 йил

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 1 YANVAR ◆ DUSHANBA ◆ № 1-2 (26.704)

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!
Муҳтарам дўстлар!

Аввалambор, байрам дастурхони атрофида жам бўлиб ўтирган сиз, азизларни — кексаю ёш барча юртдошларимни кириб келаётган Янги йил айёми билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бир неча дақиқалардан кейин инсон ўзига тасаввур қилиши ҳам қийин бўлган воқеанинг гувоҳи бўламиз — хонадонларимизга бир пайтнинг ўзида янги йил, янги аср, янги минг йиллик кириб келади.

Асрлар ва минг йилликлар алмашадиган, инсоният янги даврга қадам қўядиган бундай ноёб ва тарихий лаҳзаларга гувоҳ бўлиш — барчамизга Оллоҳ таоло насиб этган улуғ инъом, катта бахтдир. Халқимиз таъбири билан айтганда, бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор.

Азиз юртдошларим!

Ўзининг оламшумул ютуқлари ва мислсиз фожиалари, мураккаб зиддиятлари билан одамзотни ҳайратга соладиган XX аср билан хайрлашар эканмиз, унинг кўп-кўп ҳақиқатларни очиб берган тарихий сабоқлари беихтиёр хаёлимиздан ўтади.

Бу давр кишилик тарихида инсоннинг коинотга чиқиши, илм-фаннинг гуркираб ривожланиши, чинакам мўъжизаларга йўл очилиши, ишлаб чиқаришни, ижтимоий ҳаёт ва инсон дунёқарашини кескин ўзгартириб юборгани билан одамзот хотирасида ўчмас из қолдиради.

Бу аср жаҳон миқёсида мустамлакачилик тузумининг барҳам топиши, миллионлаб мазлум халқларнинг озодлик ва эркинлик учун кураш даври бўлгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Лекин, таассуфки, инсоният бу асрда ҳам оғир муаммолар, турли синов ва хавфу хатарлардан бутунлай халос бўлолмади.

Дунёнинг икки марта жаҳон урушини бошдан кечиргани, бутун-бутун халқлар ҳаётига хавф соладиган миллий, мафкуравий, диний асосдаги қарама-қаршиликларнинг, ҳудудий можароларнинг авж олгани, халқаро террорчилик, экстремизм, экологик хатарлар, гиёҳвандлик каби иллатлар инсоният бошига улкан мусибатлар олиб келгани ҳам мана шу даврнинг аччиқ ҳақиқатидир.

Ўтаётган асримизга хос бундай ижтимоий тўфонлар бизнинг ўлкамизни ҳам четлаб ўтгани йўқ, албатта. Халқимиз мустамлакалик зулми ва қарамлик жабрини тортди, мустабид тузум, камситиш, тазйиқ ва қатағон йилларини бошидан кечирди, озодлик ва истиқлол учун кураш йўлида қанча-қанча қурбонлар берди. Лекин ҳар қандай оғир, машаққатли синовларда ҳам ўз орзу-ниятларидан, дину диёнатидан, улуғ мақсадларидан, ҳуррият сари интилишидан қайтмади.

Шу боис ҳам халқимиз, миллатимиз учун, шу табаррук ва мўътабар замин — Ўзбекистон менинг ягона ва бетакрор Ватаним, деган ҳиссиёт билан яшаётган ҳар қайси инсон учун XX аср, аввало, мустақиллик асри бўлиб қолажак.

Биз тарих берган ноёб имкониятдан фойдаланиб, ўз ҳаётимизни, ўз тақдиримизни қўлга олдик, ўзлигимизни англадик. Ўз кучимиз ва қудратимизга ишониб, халқимизнинг олижаноб фазилатлари, сабр-матонати, фидокорона меҳнати туфайли қисқа даврда — шу асрнинг охирги ўн йиллигида келажагимиз ва бахт-саодатимиз пойдеворини барпо этдик, янги асрга озод халқ, эркин миллат бўлиб, ёруғ юз билан кириб бормоқдамиз.

Шу маънода, дунёдаги илғор мамлакатлар билан биргаликда тараққиёт йўлидан бориш, ҳаётимизни ислоҳ этиш, жамият ва давлат тизимини янгилаш ва эркинлаштириш, бир сўз билан айтганда, юртимизни обод, халқимиз ҳаётини фаровон қилиш борасида 2000 йил ўзига хос ўринга эга бўлди.

Ўйлайманки, мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларига бефарқ қарамайдиган, мана шу ўзгаришларни ўз қалбидан ўтказадиган ҳар қайси инсон ҳаётимизда рўй бераётган янгиланиш жараёнларини кўриб беихтиёр қувониши шубҳасиз.

Шаҳар-қишлоқларимиз, юртимиз қиёфаси кундан-кунга ўзгариб, чирой очаётгани, бепоён далаларимизда, ишга туширилаётган янги-янги корхоналаримизда, умуман, иқтисодиётимизнинг барча соҳаларида одамларнинг ҳаётга, меҳнатга муносабати ўзгариб, масъулияти ортиб бораётгани бугунги кунимизнинг энг устувор хусусиятидир, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Маънавий-маданий ҳаётимизни янги маъно-мазмун билан бойитиш, миллий қадриятларимизни тиклаш, асл томирларимизга қайтиш йўлида амалга ошираётган хайрли ва эзгу ишларимиз ўзлигимизни англаш ва буюк мақсадларимизга эришишда мустаҳкам пойдевор бўлмоқда.

Бу борада Соғлом авлодни тарбиялаш, Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурларни амалга ошириш, фарзандларимизни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган, етук ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш йўлида қўйган қадамларимиз барчамизни қувонтирмасдан қолмайди.

Айни вақтда юртимизнинг бойликларига кўз олайтираётган, танлаб олган йўлимиздан собитқадамлик билан олға юришимизни кўролмайдиган, кўпмиллатли халқимизнинг тинч-тотув ҳаётини, ўзаро ҳурмат ва аҳиллигимизни, жамиятимизда ҳукм сураётган меҳр-оқибатни бузишга уринаётган манфур кучлар ҳам борлигини унутмаслигимиз керак.

Шу боис биз бу кучларнинг қабиҳ ниятларидан доимо огоҳ ва ҳушёр бўлишимиз, азиз болажонларимизни асраш ва уларни ёвуз таъсирлардан сақлаш — ҳар бир ота-онанинг инсоний бурчи эканини яна бир карра англаб олишимиз даркор.

Муҳтарам дўстларим, биродарларим!

Мана шу унутилмас лаҳзаларда ҳар қайси инсон Оллоҳ таолодан қалбининг тўрида ардоқлаб келаётган энг эзгу истак ва ўйлари рўёбга чиқишини, ўзига, оиласи ва фарзандларига эсон-омонлик, элу юртига тинчлик, тўкинлик ато этишини, омад ёр бўлишини сўрайди.

Мен ҳам сиз — миллион-миллион азиз ҳамюртларимнинг ана шундай орзу-умидларига тилакдош бўлиб, дилингиздаги пок ниятларингиз ижобат топишини Яратганимиздан сўрайман.

Ҳеч шубҳасиз, янги кириб келаётган йилда халқимизнинг фаровонлигини ошириш, унинг тинч ва осуда ҳаётини асраш, ёрдамга муҳтож оилаларни давлат ҳимоясига олиш йўлида, тадбиркор ва ишбилармонлар учун, изланиб яшаётган ҳар қайси инсон учун имконият ва шарт-шароит яратиш, уларнинг йўлини очиб беришга, одамларнинг ўз меҳнати натижасидан кўпроқ баҳраманд бўлишини таъминлашга қаратилган ишларимиз янада кучаяди ва, иншоолло, ўз самарасини беради.

Янги асрнинг биринчи йилини Оналар ва болалар йили деб атаб, янги йилни хонадонларимиз чароғи, ҳаёт давомчиси бўлган мунис оналар ва истиқболимиз эгалари — фарзандларимиз тимсолида кўришимиз буюк келажакни фақат соғлом ва баркамол авлодгина бунёд эта олади, деган ҳақиқат ҳаётимизда изчил ва мустаҳкам қарор топаётганининг тасдиғидир.

Биз кириб келаётган йилда катта ифтихор ва ғурур билан нишонлайдиган мустақиллигимизнинг ўн йиллик байрами ҳамда тарихимиздаги буюк саналарни муносиб кутиб олишга қаратилган барча режаларимиз янги йилимизнинг янада мазмунли бўлишига ҳисса қўшиши ва унинг файзу баракасини зиёда этиши муқаррар.

Қадрли ватандошларим!

Барчамизнинг нигоҳимиз мангулик сари ошиқаётган соат милларига қаратилган мана шу ҳаяжонли дақиқаларда ҳар бирингизни хаёлан бағримга босиб, айтмоқчиман:

Янги йил хонадонларимизга бахту саодат, файзу барака олиб келсин!

Дуогўй отахон ва онахонларимизнинг умрлари зиёда бўлсин, ўғил-қизларимизнинг камолини берсин!

Халқимизнинг боши омон, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Янги йил, янги аср, янги минг йиллик барчамизга муборак бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ВАТАН

Ўзимни танидим, кўкларда учдим,
Момиқ булутларнинг ҳавосин ичдим,
Кўзларим тўймади, кўзлардан кечдим.
Ватан! Сенга асло қасам ичмайман
Ва лекин ҳеч қачон сендан кечмайман!

Мовий денгизларда суздим балиқдай,
Офатижон соҳил, юрдим холиқдай.
Денгизим йўқ гарчи, бездим, толиқдим.
Ватан! Сенга асло қасам ичмайман
Ва лекин ҳеч қачон сендан кечмайман!

Мен кезмаган олис боғлар қолдими,
Мен севиб чиқмаган тоғлар қолдими,
Уларнинг сеҳрига жон бойландими?
Ватан! Сенга асло қасам ичмайман
Ва лекин ҳеч қачон сендан кечмайман!

Айтиб бўлмас экан дунёлар сирин,
Қалбда бир япон қиз исми яширин.
Тожмаҳалда кўзёш тўкканларим чин.
Ватан! Сенга асло қасам ичмайман
Ва лекин ҳеч қачон сендан кечмайман!

Кўрдим кимсаларни бою бадавлат,
Кўрдим маҳобатин, кўрдим босавлат,
Уларда нима йўқ? Ватан йўқ фақат!
Ватан! Сенга асло қасам ичмайман
Ва лекин ҳеч қачон сендан кечмайман!

Биламан, мен сенсиз оддий тош-сангин,
Ёқам ҳам ўзингсан, ўзингсан енгим.
Мен сенинг менгингман, сенинг йўқ тенгинг,
Ўлсам кучоғингда ўлурман сенинг!
Ватан! Сенга асло қасам ичмайман
Ва лекин ҳеч қачон сендан кечмайман!

КЎПКАРИ

Бу дунёнинг ишлари
Гоҳо ўнг, гоҳ чапкари.
Ёзда эмас, қишлари
Гуруллайди кўпкари.
Қорин учун келмайди,
Шарт эмасдир қанду қурс,
Улоқ чопилса бўлди,
Ўша тўйда эл-улус.
Урҳо, урҳога тўлар
Юрт сайхони, даштлари.
Томошаларда юрар
Мўллатўрғай қушлари.
Чарсиллар чавандозлар,
Чарсиллайди ҳалойиқ.
Пишқирар от-шоввозлар,
Бари Гиркўкга молик.
Ў, ўзбекнинг тўйи кўп,
Бойи ҳам кўпдир бугун.
Йилқи, моли, қўйи кўп,
Совринлар хўбдир бугун.
Минма чўбир-чўртоқни,
Бўш келмагил бўз йигит.
Кўзла марра — чортоқни,
Кутар сулув қиз, йигит.
Майдон доим мардники,
Ғирромники малолдир.
Бу дунёда ким юлиб
Ўшаники ҳалолдир!
Отим иқболи кулсин,
Мен ҳам сафда, қани кут...
Кўпкариларга тўлсин
Ота макон — ЎЗБЕКЮРТ!

Азим СУЮН



ЧОРЛА, ЧОРЛАЙВЕР, ЮКСАК ЧЎҚҚИЛАР!

Самимий қутловлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА ВА КАРИМОВА ХОНИМГА

оиламиз, Оқ уйда ўтказилган алоҳида учрашувимизни самимият билан эъзозлаб эслаган ҳолда, Сизга ва оилангизга тинчлик-осойишталик ҳамда эзгу ниятлар билан йўғрилган Янги йилни шодиёна байрам сифатида кутиб олишингизни чин дилимиздан тилаб билдирган истакларини йўллайди.

Билл КЛИНТОН,
Ҳиллари Родҳэм КЛИНТОН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Кириб келаётган Янги 2001 йил муносабати билан самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.

Тугаб бораётган йилда биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан Россия ва Ўзбекистон ўртасидаги кенг қамровли чинакам ҳамжиҳатликни ривожлантириш учун талайгина ишларни амалга оширишга муваффақ бўлдик. Биз учрашувларимиз чоғида қўлга киритилган ахдлашувларни рўёбга чиқариш мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги анъанавий дўстона алоқалар ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ишига самарали хизмат қилишига изчиллик билан эриша бориш ниятидамиз.

Сизга чин қалбдан сиҳат-саломатлик, Ўзбекистонни равнақ топтириш йўлидаги давлат фаолиятингизда муваффақиятлар, қариндошларингиз ва яқин кишиларингизга бахт-саодат ва омонлик тилайман.

Эҳтиром ила,
Владимир ПУТИН,
Россия Федерацияси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Янги йил муносабати билан тинчлик барқарор бўлишини тилаб билдирган эзгу истакларимни қабул қилгайсиз.

Эҳтиром ила,
Кофи АННАН,
Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Байрам муносабати билан энг эзгу тилакларимни йўллайман.

Лорд Робертсон ПОРТ-ЭЛЛЕНСКИЙ,
НАТО Бош котиби

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Янги йил ва янги аср бошланиши муносабати билан энг эзгу истакларимни қабул қилгайсиз.

Цзян ЦЗЭМИН,
Хитой Халқ Республикаси Раиси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Янги йил муносабати билан энг эзгу тилакларимни қабул қилгайсиз.

Тони БЛЭР,
Буюк Британия Бош вазири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Янги йил муносабати билан самимий салом ва энг эзгу тилакларимизни йўллайман.

Герҳард ШРЁДЕР,
Германия Федератив Республикаси Федерал Канцлери

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Янги йил муносабати билан энг эзгу тилакларимни йўллайман! Янги асрда бутун дунё бўйлаб тинчлик ва уйғунлик қарор топаверсин!

Ким Дэ ЖУНГ,
Корея Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Сизни Янги 2001 йил билан сидқидилдан муборакбод этаман. XXI аср ва учинчи минг йилликнинг биринчи йили янги давр — тинчлик, эзгулик ва тотувлик даври бошланишидан дарак берсин!

Сизга ва оилангизга, мамлакатингиз халқига бахт-саодат, муваффақиятлар ва омонлик тилайман!

Нурсултон НАЗАРБОЕВ,
Қозоғистон Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Янги йил муносабати билан Исроил Давлати Президенти ва Кацав хоним Сизга ўзларининг энг яхши тилакларини йўллайдилар.

Моше КАЦАВ,
Исроил Давлати Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Янги йилда энг эзгу тилакларимни билдираман!

Аҳмет Неждет СЕЗЕР,
Туркия Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Рождество байрами ва Янги йил муносабати билан йўллаётган қутловларимни ҳамда энг эзгу тилакларимни қабул қилгайсиз.

Мери МАКЕЛИС,
Ирландия Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Янги, 2001 йил муносабати билан бағоят самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.

Кириб келаётган йилда Ўзбекистон Республикаси билан Беларус Республикаси ўртасидаги муносабатлар сифат жиҳатдан янги босқичга чиқади, бу муносабатларни ривожлантириш эса мамлакатларимиз халқларининг фаровонлигини оширишга кўмаклашади, деб умид қиламан.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Сизга ва яқинларингизга чин қалбдан мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва муваффақиятлар, Ўзбекистон Республикаси халқига эса омонлик ва равнақ тилайман.

Эҳтиром ила,
Александр ЛУКАШЕНКО,
Беларус Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Янги йилда муваффақиятлар, омонлик ва тинчлик тилаб билдирган энг эзгу истакларимни йўллайман.

Милан КУЧАН,
Словения Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Янги йил муносабати билан энг эзгу истакларимни лутфан қабул қилгайсиз.

Александр КВАСНЕВСКИЙ,
Польша Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Сизни ва дўст Ўзбекистон халқини кириб келаётган Янги, 2001 йил билан муборакбод этаман.

Сизга мустаҳкам соғлиқ, Ўзбекистон фаровонлиги йўлидаги фаолиятингизда бундан буён ҳам муваффақиятлар, дўст ўзбек халқига эса тинчлик, омонлик ва равнақ тилайман.

Эҳтиром ила,
Имомали РАҲМОНОВ,
Тожикистон Республикаси Президенти

2001 ЙИЛ — «ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР ЙИЛИ»



■ Шавкат АКРАМОВ олган сурат

БЎЙИНГИЗГА БЎЛАЙ КЎЗМУНЧОҚ

Оналар ва болалар. Улар яхшилик ва гўзаллик тимсолларидир. Она билан фарзанд ўртасидаги муҳаббатчалик тоза ва буюк муносабат йўқ дунёда!

Оналарнинг ҳаммаси яхши. Болаларнинг барчаси гўзал. Улар йилларни йилларга, асрларни асрларга туташтирувчи, дилларни дилларга боғловчи илоҳий қудратдир.

Ўзбекистонимизда Янги мингйилликнинг, Янги юз йилликнинг биринчи йили «Оналар ва болалар йили» деб эълон қилинди. Зеро, оналарнинг дуосини олтин, ўғил-қизларнинг қувончини кўзларига тўтиё, деб билган халқ ҳамиша ғолибдир. Илло, ушбу йилда волидаю муҳтарамаларимизнинг кўнгли асло ўксимасин, жигарпораларимизнинг ороми бузилмасин.

Мен жуда хуморман полапонларнинг
Қийқириб, қийқириб учишларига.
Жон поёндоз бўлсин болажонларнинг
Ҳамиша ғоз бўлиб юришларига.

«АВЕСТО» — АЖДОДЛАР БИТИГИ

Энг мўътабар қадимги қўлёзмалар — «Авесто»нинг яратилганига 3000 йил бўлаяпти. Бу нодир китоб бундан XXX аср муқаддам икки дарё оралиғида, мана шу заминда умргузаронлик қилган аждодларимизнинг биз авлодларга қолдирган маънавий, тарихий меросидир. «Авесто» айни замонда бу қадим ўлкада буюк давлат, буюк маънавият, буюк маданият бўлганидан гувоҳлик берувчи тарихий ҳужжатдирки, уни ҳеч ким инкор этолмайди.

... Шу маънода, миллий давлатчилигимиз тарихи Миср, Хитой, Ҳиндистон, Эрон каби қадимий давлатлар тарихи билан бир қаторда туради.

Ислом КАРИМОВ



«Инсоният тарихи — ғоялар тарихидан иборат» — деб бошланади «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласи. Дарҳақиқат, шундай экан жамият аъзоларининг фаолияти асосида тарихий жараён кечадиган бўлса, бу фаолиятлар замирида эса кишилар қалбини эгаллаган, уларнинг ҳаракат дастурларига айланган инқилобий ғоялар ётиши назарда тутилган.

Эрамиздан олдинги биринчи минг йилликнинг биринчи ярмида Яқин Шарқ, Ҳиндистон, Хитой ижтимоий муҳитида якка худолик (монотеизм)га ўтиш босқичи бўлиб, эндиликда жамият дунёнинг ибтидоси ва интиҳосини ҳам ўз ичига қамраб олган яхлит бир таълимотга эҳтиёж сезаётган давр эди. Чунки жамиятнинг ички ижтимоий барқарорлиги билан қуролланибгина бу мақсадларни амалга ошириш мумкин эди. Ана шундай талаблар асосида Иудаизм (яҳудийлик), буддавийлик, Конфуция таълимотлари тарих саҳнасига чиққан эди.

Худди ана шундай тарихий миссияни бажариш учун Ўрта Шарқ ижтимоий муҳитининг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилиши, Ўрта Осиёда шаклланган илк давлат ўрта ва қуйи Амударё, Сирдарё, Зарафшон дарёларининг ҳавзаларини қамраб олган Арйошайона (катта Хоразм) салтанатидаги ички низоларни бартараф қилишга хизмат қиладиган якка худолик — муқаддас «Авесто» таълимоти ҳам айни шу даврларда дунёга келди.

Гарчи, Ўрта Осиё халқлари билан бир қаторда ўзбек халқи ҳам бу бебаҳо тарихий ёзма ёдгорликнинг қонуний меросхўри ҳисобланса-да, бу ҳақда истиқлолимизга қадар етарли эътибор қилинмасди. Президентимизнинг миллий қадриятларимизнинг қайтадан тикланишига бўлган ғамхўрлиги туфайли бу масалага жиддий эътибор қаратилди.

Халқаро ЮНЕСКО ташкилоти ҳам бутун дунёда муқаддас «Авесто» ёзма ёдгорлигининг 2700 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Республика ҳукуматининг 2001 йил кузида мамлакат миқёсида бу улуғ санани кенг нишонлаш ҳақида махсус қарор қабул қилиши халқимиз томонидан илиқ кутиб олинди.

❐ **Суннатилла РИЗАЕВ**

ЖАҲОН ИЧРА ЯНА БИР ОСМОНДИР

Янги XXI асрнинг бугун биринчи куни бошланди. Инсоният учинчи мингйилликка кириб келди.

Асримиз биринчи йилининг илк кунларида кутилаётган ҳаяжонли дақиқалар кишида фахр ҳиссини уйғотади. «Вафо бўстонининг достонсаройида» улуғ бир кун нишонланади. Бобомиз Алишер Навоийнинг 560 йиллиги бизнинг аср бошидаги энг улкан шодиёнамиз бўлиб қолади.

XXI асрнинг илк йили кўнглимиз йили бўлади. Кўнгил ҳамиша улуғлар манзили томон интилади. Кўнгил булбул навоси эшитилгувчи покиза тонглар томон интилади.

Фахр йили бўлади, янги йилимиз. Биз ўзимизнинг буюк ўтмишимиз, ёруғ келажагимиз билан фахрланамиз. Биз улуғ шоир Алишер Навоий авлодлари бўлганимиз билан фахрланамиз. Бобомизнинг улуғ тўйи билан бошланаётган асримизга етиб келганимиз билан фахрланамиз.

Армонларимиз йили бўлади, янги йилимиз. Улуғ шоир бобомиз ижодини яхши билмаслигимиздан, англамаслигимиздан армонлар қуршовида қоламиз. Ватанни Навоий сингари севолмаслигимиздан, Навоий сингари садоқат кўрсатолмаганимиздан армон қиламиз. Ҳазратнинг мана бу сатрларини қалбга жо этолмаганимиздан унга амал қила олмаганимиздан армон қиламиз.

Аёнким, ватан узра то жони бор,
Киши ҳарб этар токи имкони бор.

Шоирнинг «Садди Искандарий» достонидаги мана бу сатрлар юракни ларзага солмайдими, ахир?

Ватан таркини бир нафас айлама,
Яна ранжи ғурбат ҳавас айлама.

Ҳайрат йили бўлади, янги йилимиз. Улуғ шоирнинг ўлмас сатрлари беш асрдан бери бутун инсониятни ҳайратлантирмоқда. Ҳайратдан туғилади аслида дунёлар, ҳайрат уйғотади элни, фикрлар туғилади ҳайратдан. Сўзлар ёнади ҳайратдан. Ҳайрат ҳурлик садоларини келтиради. Юракни ҳаяжон ўраб олади.

Хокисорлик, камтаринлик йили бўлади, янги йилимиз. Улуғ шоирнинг «Бадойиъ ул-бидоя» асарининг дебочасида шундай сатрлар бор:

Ҳар кун яна бир ишқ иладур афсона,
Ҳар тун яна бир шамғадур парвона.
Ишқ анга жунун, манзил анга майхона,
Девон ясамоқни не билур девона?!

Охирги сатрга эътиборингизни қаратмоқчиман. Девон ясамоқни не билур девона, хокисорликни қаранг, ҳали она тилимизда ҳеч ким Навоийча кўп ва хўп шеър айтмаганини барча, ундан кейин ўтганлар ҳам эътироф этишган. Девон тузишда ҳам ҳазратим эгаллаган чўққи ҳамон забт этилгани йўқ. Хокисорлик, камтаринлик йили бўлиб қолсин янги йилимиз.

Буюклар муддаоси ҳамиша ҳамоҳангдир. Президентимиз янги асрнинг биринчи йилини «Оналар ва болалар йили» деб эълон қилдилар. Ҳазрат Навоий орзу қилган Фарҳодлар туғилади бу йилда. Зукко, оқила Ширинлар туғилади бу йилда. Навоий ёзади:

Оналарнинг оёғи остидадур
Равзаи жаннату жинон боғи.
Равза боғи висолин истар эсанг,
Бўл онанинг аёғи туфроғи!

Бугун бутун миллат ўз йўлбошчиси раҳбарлигида соғлом авлодни яратувчи оналаримизни эъзозламоқда. Бу эса ҳаттоки, жаннатни оналаримиз оёғи остида эканлигини таъкидлаган шоир қарашларига нақадар ҳамоҳангдир.

Шоир Эркин Воҳидов ёзади: Алишер Навоийни англаш ва ҳис қилиш ўзбек халқининг тарихини, маданиятини, қалби эҳтиёжларини, ўзлигини англаш ва ҳис этиш демакдир.

Назаримда, янги асримизнинг илк янги йили жаҳон ичра яна бир осмон бўлган Навоийни англаш йили бўлиб қолади.

❐ **Фарруҳ ҲАМРОЕВ**

САРҲИСОБ

ЯКУНЛАНГАН АСРНИНГ БУЮК ИХТИРОЛАРИ

Машҳур олим Бенжамин Кан ниҳоясини топган XX асрни «Ихтиролар ва бузғунчилик асри» деб таърифлайди. Тўғри, аср буюк кашфиётларга тўла давр бўлди. Автосаноатнинг вужудга келиши, телекоммуникациянинг яратилиши, компьютерлар кашфиёти, генетика соҳасидаги оламшумул тадқиқотлар билан бир қаторда улардан-да қудратлироқ бўлган атом бомбасининг яратилиши ўтган юз йилликни инсоният тарихидаги энг муваффақиятли ва бир пайтнинг ўзида энг хавфли ҳамда хатарли даврга айланишига сабаб бўлди деб фикр юритади олим.

Ўтган асримиз от аравалар ва сиёҳли қаламлар билан бошланган бўлса, аср охирида биз самолёт ва автомашиналарнинг юзлаб турларига эга бўлдик.

Кўз олдимизда ҳар бир дақиқа сайин янгиликлар юз бермоқда. Шундай саноқсиз кашфиётлар рўй бераётган бир пайтда инсон ҳаёти қай даражада хавфсизланаяпти, деган саволга жавоб бериш афсуски, осон эмас.

Фармацевтика оламида тинимсиз тадқиқотлар олиб борилишига қарамасдан, ер юзида турли касалликлар — эпидемиялар авж олди. Илм-фан ва техника соҳасида буюк ўзгаришлар рўй бераётган бир пайтда бу тадқиқотлар кишилар ўртасидаги ижтимоий келишмовчиликларга барҳам бермаяпти, устига-устак бугун шу кашфиётлар бир лаҳзада сайёрамизни бутунлай йўқ қилиб юбориш даражасида тайёр турганлигини ҳам эслатиб ўтиш жоиздир.

Яхшиси, ўтган юз йиллик давомида ҳаётимиз учун муҳим аҳамият касб этган буюк ихтиролар қайси соҳаларда бўлганлигига эътиборни қаратсак. Инглиз журналисти Ричард Ингем «ўз ниҳоясига етган аср давомида кашфиётлар кўп бўлди, аммо уларнинг ичидан айримлари асрнинг энг улуғ ихтироси деган номга сазовордир», деб фикр юритади.

1903 йил асрнинг илк кашфиёти — учиш бўлди. Велосипед ишлаб чиқарувчи ака-ука Райтлар биринчи марта мотор ёрдамида учиш операциясини амалга оширади.

Асрнинг иккинчи ихтироси бу телевидениенинг вужудга келишидир, деб ёзади Ричард Ингем. Телевизорнинг яратилиши шотландиялик муҳандис Жон лочи Вэрд номи билан боғлиқ. У 1923 йил ўзининг «Саккиз чизиқли» тадқиқотини бошлайди. 1930 йилда эса телевизор Европанинг савдо расталарида пайдо бўлди. 1932 йилда Би-би-си жаҳондаги биринчи мунтазам телевизион кўрсатувларни бошлади.

Учинчи кашфиёт бу ўзининг самарали натижасини бутунлай исботлади. Бу шифобахш модда 1928 йил яна бир шотландиялик тадқиқотчи Александр Флеминг томонидан ишлаб чиқилди.

Асрнинг тўртинчи ихтироси бу атом энергияси бўлди. Атом асрининг бошланиши 1942 йилларга тўғри келади. Биринчи атом бомбаси 1945 йил 16 июлда Нью-Мексиканинг Лось-Аламос шаҳрида тайёрланди.

Ингем таъкидлаб ўтган бешинчи ихтиро бу «Солосус» деб аталган биринчи электро-механик компьютерларнинг ишлаб чиқилиши билан боғлиқ. Биринчи компьютер британиялик математик олим Алан Тюринг томонидан 1943 йилда нацистларнинг сирли кодини бузиш мақсадида кашф этилди. Кейинги компьютер оламидаги тадқиқотлар жуда муваффақиятли кечган бўлиб, уларнинг салоҳияти янада мукаммаллаштирилди. Компьютернинг ихтиро этилиши, шубҳасиз, XX асрнинг энг буюк технологик кашфиёти бўлди.

1954 йил олтинчи буюк ихтиро, яъни тиббиёт тили билан айтганда, икки гармон аралашмасидан ташкил топган таблеткалар яратилди. Бу кашфиёт АҚШлик Грегорий Пинкус томонидан фармацевтика соҳасида пенициллин дорисининг кашф қилиниши бўлди. Инсон соғлиғини сақлаш йўлидаги бу тадқиқот қилинган бўлиб, таблеткалар аёллар соғлиғи ва оилани режалаштириш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Яна бир буюк ихтиро, деб фикрлайди Ричард Ингем, бу лазер ёруғлик тўлқинлари стимуляциясининг аниқланганлигидир. Буни 1917 йилда «XX аср кишиси» деб ном олган Альберт Эйнштейн тушунтириб берган эди. XX аср технологияси, айнан, Эйнштейн кашфиётлари асосида барпо этилганлиги ҳеч қандай исбот талаб қилмайди.

1967 йилда Жанубий африкалик жарроҳ Христьян Барнард биринчи маротаба инсон юрагини кўчириш операциясини муваффақиятли бажарди. Кейинчалик нафақат юрак, балки мия ва шунга ўхшаш нозик органларни кўчириш ишлари тиббиёт оламида кўплаб содир бўлди ва бўлмоқда. Худди шунга ўхшаш яна бир илк тадқиқотлардан бири, бу инсон эмбрионининг аёл организмидан ташқарида ўстирилиши ва унинг дунё юзини кўриши бўлди. Ўз онаси қорнидан ғайритабиий равишда ташқарида ривожланган — Лузи Браун деган қиз ҳозир 21 ёшда.

Инсоннинг биринчи марта коинотга парвози ҳам асримизнинг иккинчи ярмида содир бўлди. Биринчи фазогир Юрий Гагарин 1961 йил 12 апрелда коинотга парвоз қилди, аммо космос асри 1957 йил 1 октябрда собиқ иттифоққа тегишли «Спутник-I» сунъий йўлдошининг учирилиши билан бошланганди.

— Кейинги ихтиро эса бугун кўпчиликка таниш интернет тизимидир. XXI аср информатика асри деб аталишининг сабаби ҳам интернет яратилиши билан бевосита боғлиқ. Интернет тизими бугун ахборотларнинг чексиз равишда алмашинилиши ва коммуникация жараёнидаги асосий қурол бўлиб қолди. Илк маротаба Пентагонда, яъни АҚШ мудофаа вазирлиги биносида қўлланган бу сирли коммуникацион тизим лойиҳаси бугун дунёнинг турли бурчакларида давлат сирларини сақлаш учун эмас, балки оддий алоқа воситаси сифатида қўлланилмоқда.

Инсон томонидан яратилган ихтиролар — мўъжизакор кашфиётлар ҳақида фикр юритар эканмиз, XXI аср бизга яна қандай янгиликлар олиб келиши, кишилар турмуш тарзида яна қандай бурилишлар содир бўлар экан, дея хаёлларга борамиз. Келинг, яхшиси, машҳур файласуф Бертрант Русселнинг бир пайтлар ёзган сўзларини эслайлик: «Илм-фан ривожи инсоннинг табиат устидан қилган қудратли ғалабаси бўлди ва шунинг учун ҳам унинг бахти ва келажаги учун хизмат қилиши муайяндир. Аммо шундай бўлиши, инсон орзусининг рўёбга чиқиши фақатгина унинг онгли тарзда фикр юритишига боғлиқдир».

❐ **Хорижий манбалар асосида Навбаҳор ИМОМОВА тайёрлади**

АЗИЗ ВА ҚАДРЛИ ЮРТДОШЛАР!

ЎЗАВТОТРАНС КОРПОРАЦИЯСИ

«ЎЗАВТОТРАНС»

Ўзбекистон автомобиль транспорти давлат акциядорлик корпорацияси жамоаси

Сизларни Янги 2001 йил — Янги аср билан чин қалбдан муборакбод этади. Сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва омад ҳамиша ёр бўлсин.

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «ЛАХТА БАНК»

Бутун Ўзбекистон халқини, банкимиз таъсисчилари ва акциядорларини, мамлакат банк тизимидаги барча ҳамкасблар ва мижозларини Янги — 2001 ЙИЛ БИЛАН самимий муборакбод этади. Янги мингйиллик ва Янги аср барчангизнинг хонадонингизга қут-барака, шоду хуррамлик олиб келсин!

Сизларга мустаҳкам соғлик, оилавий бахту саодат ҳамда Мустақил Ўзбекистонимизнинг иқтисодий равнақи ва буюк келажагини бунёд этиш йўлидаги эзгу саъй-ҳаракатингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз!



ЙИЛНИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

«Кореа таймс» газетаси йилнинг ўнта энг муҳим воқеаси рўйхатини эълон қилди. Унда Владимир Путиннинг президент бўлиши ва «Курск» сувости кемасининг фожиаси ҳам жой олган. Шунингдек, Жорж Бушнинг АҚШ президенти этиб сайланиши, АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайтнинг Пхеньянга ташрифи, инсон танасидаги генетик код харитасининг яратилиши, Тайбейдаги президент сайловида мухолифат кучлар вакили Чэн Шуйбяннинг ғалабаси, Исроил билан Фаластин ўртасидаги юз берган янги қарама-қаршиликлар, глобаллашувга қарши норозилик, АҚШ биржасида акциялар баҳосининг тушиб кетиши натижасида Осиё бозоридаги силкинишлар ҳамда нефтнинг 37 долларгача қимматлашуви ўтаётган йилнинг энг муҳим воқеалари ҳисобланмоқда.

ЙИҚИЛИБ ҲАЛОК БЎЛДИ

Покистоннинг Лондондаги юқори мансабли дипломати ўзининг уйи деразасидан йиқилиб ҳалок бўлди. Полициячилар ушбу ҳодисада қотиллик излари йўқлигини, балки дипломат телевизор антеннасини тўғрилаш учун дераза раҳига чиққанда, тўсатдан йиқилиб кетганини таъкидламоқда.

XORIJDAN XABARLAR


Курорт ва порт шаҳар — Анталья

Франциядаги бошпанасиз одамлар янги мингйилликни Марселдаги марказий майдонда кутиб оладиган бўлди. Бу тадбирни «Қорбобо» хайрия уюшмаси бошпанасиз одамларга уюштирмоқда. Майдонга кўчма емакхоналар ўрнатилади. Одамларга турли ширинликлар, қўл соати, иссиқ камзул ҳамда пардоз-андоз воситалари совға қилинади. Бундан етти йил аввал ташкил этилган мазкур хайрия уюшмаси кўчада қолган одамларга ҳар ҳафта тўрт мартадан тушлик бермоқда. Бироқ ушбу тадбирнинг бир қийин томони бор. У ҳам бўлса, кўнгиллиларнинг бошпанасизларга тик турганча хизмат кўрсатишидир. Чунки, қоидага кўра жамоат жойларда стул қўйиш мумкин эмас экан.

ОЧИҚ ОСМОН ОСТИДАГИ БАЙРАМ

ТАҚИҚНИ БЕКОР ҚИЛМОҚЧИ

Япония молия вазирлиги Югославия иқтисодиётига сармоя киритишни тўхтатиш борасида 1998 йилнинг ёзида жорий этилган тақиқни бекор қилмоқчи. Шунингдек, югославияликлар Япония банкларида сақланаётган маблағларидан ҳам фойдаланиш имкониятига эга бўлади, деди вазирлик вакили. Бу қарор келаси йилнинг биринчи февралидан бошлаб кучга киради.



ПЕРУГА ҚАЙТМОҚЧИ ЭМАС

Японияга қочиб келган Перунинг собиқ президенти Алберто Фухимори ўз банк ҳисобларида 18 миллион доллар борлиги ҳақидаги миш-мишларни рад этди. А.Фухимори «Иомиури» газетасига интервью бериб, ушбу гап-сўзлар бўҳтондан бошқа нарса эмаслигини таъкидлади. Собиқ президент А.Фухимори Японияга Перуда ҳукумат танглиги юз бергандан кейин қочиб келган эди. У Токиодаги меҳмонхоналарнинг бирига жойлашиб олиб, ўзининг истеъфо берганини маълум қилди. Шундан сўнг Перу парламенти уни шармандаларча президентликдан бўшатди. Япония фуқаролигига эга бўлган А.Фухимори Перуга қайтмоқчи эмас.

САФАР НАСИБ ЭТМАДИ

Билл Клинтоннинг яқин кунларда Пхеньянга сафар қилиши кутилаётган эди, аммо Оқ уй маъмурияти АҚШ Президенти Шимолий Кореяга бормасликка қарор қилганини билдирди. Энди Шимолий Кореяга сафар қилиш масаласи янги президент Жорж Бушга қолдирилди. У келаси йилнинг 20 январидан президентлик вазифасини бажаришга киришади. Оқ уй ушбу қарори билан КХДР ва Жанубий Корея раҳбариятини ҳамда Жорж Буш командасини расман огоҳ этди.

ЎЛИМ ЖАЗОСИ БЕКОР ҚИЛИНАДИМИ?

Бир неча жамоат ташкилотлари БМТ Бош котиби Кофи Аннанга мурожаат қилиб, дунёда ўлим жазосини бекор қилишда фаоллик кўрсатишга чақирди. Бош котиб бу чақириққа жавобан мазкур ишга ҳисса қўшажагини билдирди. Бироқ ушбу масалани дастлаб ҳар бир мамлакатнинг ўзи ҳал қилмоғи зарур, деди К.Аннан.

Маълумотларга қараганда, АҚШ, Хитой, Туркия, Ҳиндистон, Покистон, Саудия Арабистони, Нигерия ва Яманда ўлим жазоси мунтазам ижро қилиб келинмоқда.

БАРГУТИЙНИНГ БАЁНОТИ

Фаластин озодлик ҳаракати йўлбошчиси Марван Баргутийнинг баёнот беришича, Фаластин халқи АҚШ Президенти Билл Клинтон илгари сураётган таклиф бўйича Исроил билан умумий келишувга эриша олмайди. Чунки, Билл Клинтоннинг ғояси амалда Исроилнинг Қудснинг кўп қисмини ҳамда яҳудийлар яшаётган қишлоқларни бундан кейин ҳам эгаллаб туришини таъминлайди. Бу БМТнинг 194, 242 ва 338- резолюцияларига зиддир. Аслида АҚШ раҳбарининг таклифи «Исроилнинг ниқобланган ғоясидир», дейди Марван Баргутий.

Абдурасул ҲАКИМОВ чизган расм


Марҳабо,
Янги йил.
«БУХРОДОН
АКЦИЯДОРЛИК УЮШМАСИ ЖАМОАСИ
МАҲСУЛОТЛАРИ»
Ўзбекистон халқини
Янги йил муносабати билан қизғин ва
самимий қутлайди.
Янги йилга қадам қўяр эканмиз, ўтган аср
турли воқеаларга бой бўлганлигини эслашимиз жоиз.
Асримизнинг сўнгги ўн йилида Ватанимиз
ўз мустақиллигини қўлга киритиб,
уни мустаҳкамлашга ҳам улгурди.
Юртимизда иқтисодий ислоҳотлар кенг жабҳада
амалга оширилди. Хусусан, мамлакатимизда
дон мустақиллиги таъминланди.
Ўзбекистоннинг барча фуқароларини қутлуғ айём билан
чин дилдан қутлар эканмиз, Ватанимизнинг истиқболи
порлоқ, юртимиз тинчлиги ва осойишталиги бардавом,
халқимиз фаровонлиги янада зиёда бўлишини
Яратгандан сўраб қоламиз. Хонадонлардан
тўкин-сочинлик ва қут-барака аримасин!

«ТОШКЕНТВИНО»

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини Янги 2001 йил *билан самимий муборакбод этади!*

**Корхонамиз истиқлол шарофати боис ислоҳотларнинг ойдин йўлларидан илдам одимламоқда.
Бизнинг ҳар бир ютуғимиз, ҳаракатимиз халқимиз манфаатига хизмат қилишидан мамнунмиз.
Юртимизда тинчлик барқарор бўлсин. Она-Ватанимизнинг шиддат билан тараққий топиши, дунёнинг илғор давлатлари ичида ўз ўрнига эга бўлиб бориши учун халқимиз сафида «Тошкентвино» акциядорлик жамияти жамоаси ҳам ўз ҳиссасини қўшаверади.
Ниятимиз шуки, биз ишлаб чиқарган маҳсулотлар дастурхонимиз зийнатига айлансин!
Барча юртдошларимизни шодиёна билан қутлар эканмиз, жонажон, келажаги буюк диёримиз иқболи ҳамиша баланд, оилалар тинч ва фаровон бўлишига тилакдошмиз!**

**Энг муҳими, шу юртнинг бебаҳо бойлиги — инсонлар соғ-саломат ва бардам бўлсин!
Дастурхонингиздан тўкин-сочинлик, қут-барака аримасин!**

«Тошкентвино»
акциядорлик жамияти жамоаси

«ЎЗГЎШТСУТСАНОАТ»

ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК УЮШМАСИ ЖАМОАСИ

*Барча ватандошларимизни Янги йил билан муборакбод этади.
Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларга биз ҳам муносиб ҳисса қўшаётганимиздан фахрланамиз.
Хорижий шерикларни жалб қилиш, илғор технологияни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш туфайли соҳада ислоҳотлар амалга оширилди.
Халқимизни байрам билан табриклар эканмиз, аввалambор юртимиз тинч, барқарор бўлсин.
Ҳар бир оилага тўкин-сочинлик, қут-барака тилаймиз.*

ТОШКЕНТ ШАҲАР

МУНИЦИПАЛ БИРЖА МАРКАЗИ

кўп сонли ҳамкорлари, Тошкент шаҳар ишбилармонлари бутун Ўзбекистон халқини Янги 2001 йил билан чин дилдан қутлайди.

*Янги йилда Мустақил Республикамизнинг гуллаб-яшнашини халқимизга эса тинчлик, ҳамкорлик ва бахт-саодат тилаймиз.
Барчага омад кулиб боқсин, ҳар бир юмушда — бизнесда, бошқарув ёки ишда муваффақиятлар ёр бўлсин!
Ҳар бир хонадонда қувонч ва фаровонлик ҳукмрон бўлсин.
Барча эзгу орзуларингиз ушалсин!*



ТОШКЕНТ ШАҲАР МУНИЦИПАЛ БИРЖА МАРКАЗИ ДОИМИЙ РАВИШДА:

**кўчмас мулк
автотранспорт
ер участкалари
кимошди савдолари
биржа савдоларини
ўтказади.**

ТЕЛЕФОН: 133-46-13, 133-46-61, 133-20-74.

БИЗ ЯНГИ АСРДА ҲАМ СИЗНИНГ ХИЗМАТИНГИЗДАМИЗ, АЗИЗ ГАЗЕТХОНЛАР!

Бугун XXI асрнинг илк куни. Шундай тарихий ва қутлуғ кунни Сиз билан бирга қарши олганимиздан ниҳоятда мамнунмиз. Салкам бир асрлик йўлни босиб ўтган «Ўзбекистон овози» газетаси 2001 йилда ҳам Сизнинг севимли нашрингиз бўлиб қолишидан умидвормиз. Жамоамиз аъзолари барча юртдошларимизни Янги аср — Янги минг йиллик билан қутлайди. Биз сиз билан ҳамиша биргамиз! Кўнглингиз сурурга, омборингиз бутдойга, уйингиз нурга тўлсин, азиз муштарийлар!

ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ

АСРЛАРДАН ҚОЛГАН «ҚАСР»ЛАР

2. ЭРАМИЗ ҚАЧОНДАН БОШЛАНГАН?

Аввалги мақолада «бизнинг эра» сўзини ишлатдик. Лекин бир нарсани таъкидлаш жоизки, император Август даврида ҳозирги мелодий эра йўқ эди. Ўша пайтларда Рим империясида, ҳисоб боши эрамиздан аввалги 753 йилнинг 21 апрелига тўғри келадиган «Римга асос солиниши» эрасида олиб борилар эди. Умуман олганда, инсоният тарихида 200 дан ортиқ эралар бўлган. Ўша даврда ҳам турли давлатларда турли эралар қўлланилар ва уларда эранинг бошланиши ҳам турлича эди. Масалан, Византия эраси қадимдан — «Оламнинг яратилиши» кунидан бошланарди. Бу сана эрамиздан аввалги 5508 йилнинг 1 сентябрига тўғри келарди. Фаластин яҳудийлари эрасида эса «Оламнинг яратилиши» куни эрамиздан аввалги 3761 йилнинг 7 октябрига тўғри келарди. Грецияда «Олимпиада эраси» деб номланган эра қўлланилиб, у эрамиздан аввалги 776 йилнинг 1 июлидан, Бобил давлатида ишлатилган «Набонассар эраси»нинг боши эса эрамиздан аввалги 747 йил 26 февралдан бошланган.

Хуллас, император Август даврида «Римга асос солиниши» кунидан бошланадиган эра амалда бўлган.

Эрамизнинг 284 йилида Римда сарой қўриқчиларининг бошлиғи Диоклетиан ҳокимиятни ўз қўлига олиб, императорлик тахтига ўтирди. У ўзи тахтга ўтирган йилдан бошлаб янги эрани киритди. Бу эра тарихга Диоклетиан эраси номи билан кирди. Диоклетиандан сўнг тахтга император Константин (тахминан эрамизнинг 285-337 йиллари) ўтирди. Бутпараст Диоклетианнинг ворisи, ундан фарқли ўлароқ, насронийликни қабул қилди. Бу даврга келиб, турли тилларда гаплашувчи, турли қабилалардан иборат Рим империясида ижтимоий низолар кучайиб кетган эди. Ана шу низоларни юмшатиш ва империяга қарши кайфиятларга барҳам бериш мақсадида, 324 йилда император Константин насронийликни давлат дини деб эълон қилади. Бир йилдан сўнг, 325 йилда, у Никейда (ҳозир Туркиянинг Извик шаҳри) барча христиан черковлари бошлиқлари вакиллари иштирок этган қурултой (Собор)ни чақиради. Бу қурултойда христианларнинг «Янги Аҳд» («Новый Завет») китобининг матни қабул қилинди. Собор Юлий Цезарь календарини ҳам қабул қилади, бутун империя бўйича диний байрамларнинг ягона саналарини белгилайди. Ана шу байрамлардан бири — Исо пайғамбарнинг тирилишини хотирлаш байрами — пасха эди. Қурултой, пасха байрамини ўтказиш учун, 21 мартдан сўнг Ой тўлиной фазасида кўриниши шарт, деган қоида киритди. Тўлинойдан кейинги якшанба — пасха байрами куни деб белгиланди. 21 март санаси александриялик астрономлар томонидан ўрнатилган бўлиб, ўша пайтда Қуёшнинг баҳорги тенгкунлик нуқтасидан ўтиши айнан шу кунга тўғри келар эди. Шундай қилиб, Никей Соборидан сўнг Рим католик черкови ягона тақвимга — Юлий Цезарь календарига ўтди ва диний байрамлар бутун империя бўйича бир пайтда ўтказиладиган бўлди. Лекин, йил ҳисоби Диоклетиан эрасида олиб борилар эди.

Ой йили давомийлиги Қуёш йили билан мос тушмагани учун пасха байрамини нишонлаш саналари ҳар йили турли муддатларга тўғри келарди. Келажакда бўладиган пасха байрами саналарини ўз ичига олган жадвал — пасхалий тузиш билан христиан черковининг махсус монахлари шуғулланишарди. Эрамизнинг 525 йилида (ёки Диоклетиан эрасининг 241 йилида) бу жадвални Диоклетиан эрасининг 248 йилидан бошлаб тузишни римлик монах Дионисий бажаради. Бир пайтлар христианларни қувғин қилиб, уларга зулм ўтказган, золим Диоклетиан номини насронийларнинг муқаддас байрами пасха билан боғлаш Дионисийга оғир ботади. Шунинг учун у «Исонинг таваллуди» кунидан бошланадиган янги тақвим бўйича пасхалий тузишга қарор қилади. Исо алайҳиссаломнинг Ердаги ҳаёти христианларнинг Инжил китобида баён қилиниб, унда пайғамбар 30 ёшида бутга қоқилганидан сўнг, 25 мартда, якшанба куни қайта тирилгани байрам сифатида нишонлагани баён қилинган. Дионисий шунга асосланиб, 21 мартдан кейинги тўлинойдан сўнг бўладиган 25 мартнинг якшанба кунига тўғри келадиган навбатдаги йилни қидириб, у Диоклетиан эрасининг 278 йилига тўғри келишини топди. Маълум бир ойнинг ҳафтада маълум бир кунга (масалан, 25 мартнинг якшанбага) ва маълум Ой фазасига (масалан, тўлинойга) тўғри келиши даври 532 йилга тенглиги ўша пайтда фанга маълум эди. Ҳақиқатан ҳам, 4 x 7 x 19 = 532, бу ерда 4 кабиса йиллари даври, 7 ҳафтадаги кунлар сони, 19 эса ой фазаларининг яна аниқ бир календарь санасида такрорланиш даври.

Бу ҳисоб-китоблардан Дионисий биринчи христиан пасхасининг Диоклетиан эрасидан 254 йил аввал (278+254=532) нишонланганлигини топди. Пайғамбар 30 ёшида бутга қоқилгани эътиборга олинса, Исо Диоклетиан эрасидан 284 йил аввал таваллуд топган. Бу эса Диоклетиан эрасининг 241 йили «Исо таваллуди»нинг 525 йилига тўғри келишини (284+241=525) кўрсатади. Шунинг учун, Дионисий кейинги йилларни 526, 527 ва ҳ. к. деб юритиш лозимлигини кўрсатди. Шундай қилиб, инсоният тарихида янги эра амал қила бошлади. Европа мамлакатлари аста-секин бу йил ҳисобига ўта бошлади.

Россияда бу эрага 1700 йилнинг 1 январидан бошлаб, Пётр I фармонига биноан ўтилди. Бунгача Россияда солномалар юритиш князь Владимир Святославовичнинг бутпарастликдан воз кечиб, насронийликни қабул қилган йили (милоднинг 988 йили) киритилган ва ҳисоб боши «Оламнинг яратилиши» кунидан бошланадиган ва эрамиздан аввалги 5508 йилга тўғри келадиган Византия эрасида олиб борилар эди. Пётр I фармонига биноан «Оламнинг яратилиши»дан бошлаб ҳисобланган 7208 йил «Исо таваллуди»дан бошланадиган 1700 йил деб белгиланди. Ўша пайтда Россияда янги йил 1 сентябрдан бошланар эди, фармонга асосан, йил боши ҳам 1 январга кўчирилди. Бу тадбир оқибатида 1699 йилда Россия учун йилнинг узунлиги 365 кун ўрнига 487 кун бўлди.

Юлий Цезарь календаридаги хатолик йиғилиб бориб 128 йилда 1 кунга етиши туфайли, эрамизнинг XVI асрига келиб бу календарда йил боши 10 кунга сурилиб кетди, яъни Қуёшнинг баҳорги тенг кунлик нуқтасидан ўтиши 11 мартга тўғри келиб қолди. Календардаги бу хатоликни тузатиш учун Рим папаси Григорий XIII махсус илоҳотни амалга оширди. Бу илоҳотга кўра:

1). 1582 йил 4 октябрдан кейинги кун бешинчи эмас, балки 15 октябрь деб ҳисобланди;

2). Келажакда ҳар 400 йилда, кабиса йилларидан 3 тасини оддий йил деб ҳисоблаш ва уларни юзлик қисмларининг 4 га қолдиқ билан бўлинадиган (1700, 1800, 1900, 2100 ва ҳ. к.) йилларида киритиш қоидаси қабул қилинди.

Энди бу календарнинг хатоси йиғилиб 1 кеча-кундузга етиши учун 3300 йил керак бўлади. Ўша йилдан бошлаб Италия, Испания, Португалия, Бельгия, Франция ва Данияда бу календарь қабул қилинди. Бу календарнинг турли давлатларда жорий этилиши узоқ вақт давом этди ва XX асрга келиб Япония (1911), Хитой (1916), Болгария ва Россия (1918), Руминия (1919), Югославия ва Греция (1924), Эрон (1925), Туркия (1926) ва Вьетнамнинг (1967) бу календарга ўтиши билан якунланди.

Россияда Григорий календарига 1918 йилдагина ўтилди. Собиқ Халқ комиссарлари советининг декретига кўра, 1918 йилнинг 1 феврали 14 февраль деб ҳисобланди, чунки бу пайтга келиб, Юлий календари билан Григорий календари ўртасидаги фарқ 13 кеча-кундузга етган эди. Шундай қилиб, Россияда 1918 йилнинг узунлиги 365 кун ўрнига 352 кундан иборат бўлди ва бу санадан бошлаб Россиянинг яқин ўтмишидаги тарихида янги ва эски сана ҳисоби тушунчалари пайдо бўлди.

Григорий календарининг аниқлиги етарли даражада юқоридир, лекин бу асрлардан қурилган «қаср»нинг қатор камчиликлари эътироф этилган. Масалан, тақвимдаги ойларнинг узунликлари ҳар хил (28, 29, 30 ва 31 кун); турли хил узунликдаги ойларнинг келиши тартибсиз; йил боши ҳеч қандай табиат ҳодисаси билан боғланмаган; йил фасларида кунлар сони 90 дан 92 гача; биринчи ярим йиллик иккинчисидан оддий йилда уч, кабиса йилида икки кунга қисқа; ҳафта кунлари аниқ бир кун билан мос тушмаган; турли ойларда иш кунлари сони турлича; турли йилларда иш кунлари сони турлича; баъзан байрамлар муносабати билан иш кунлари бошқа кунларга кўчирилади.

Ана шу сабаблардан келиб чиқиб, Григорий календарини ўзгартириш масаласи долзарблик касб этди. Бу масала биринчи марта XVIII аср охирида, Француз Революцияси даврида кўтарилган эди. Ана ўшандан бери жаҳоннинг турли мамлакатлари томонидан бу масала кун тартибига қўйилиб келинмоқда. Мақсад — бутун дунё халқлари талабларига жавоб берадиган янги, ўзгармас календарь яратиш. Ҳозиргача бундай календарь лойиҳаларидан бир неча юзтаси турли йилларда БМТда кўриб чиқилган.

Шу тақвимлардан биттаси, 1954 йилда БМТнинг иқтисодий ва ижтимоий масалалар Кенгашининг XVIII сессиясида кўриб чиқилиб, БМТ муҳокамасига тавсия этилган тақвим Бутунжаҳон Календари деб аталди. (У қуйида жадвалда келтирилган). Бу тақвимда йил кварталлари 91 кундан бўлиб, биринчи ой 31, қолганлари 30 кундан иборат бўлади. Исталган йилнинг биринчи куни якшанбага тўғри келади. Кварталлар ҳам якшанбадан бошланиб, шанба куни тугайди. Квартал 13 ҳафтадан иборат бўлади. Бу календарда исталган ойнинг исталган санаси доимо ҳафтанинг аниқ бир кунига тўғри келади. Бундан кўринадики, миллий байрамлар ҳам ҳафтанинг аниқ бир кунига тўғри келади. Бу тақвим жадвалига кўз ташлайдиган бўлсак, 364 кунни санаймиз. Календарь ижодкорлари йилнинг 365- куни 30 декабрдан кейин киритилиб, у кун якшанба дейилмасдан, «Тинчлик ва халқлар дўстлиги куни» дейилишини таклиф қилганлар. 366 кунлик кабиса йилида қўшимча кун 30 июндан кейин киритилиб, «Кабиса йили куни» дейилади.

Бу календарь, шубҳасиз, содда ва қулайдир, унда юқорида санаб ўтилган барча камчиликлар бартараф этилган. Лекин, бу календарнинг битта муроса қилиб бўлмайдиган камчилиги бор. У ҳам бўлса, 30 декабрдан кейинги, номи йўқ, «ҳапшанба» кунининг киритилишидир. Мисол учун, 2000 йил тугаб, инсоният янги эрани қабул қилди ва унинг биринчи йили бошланди, деб фараз қилайлик. 2000 йилнинг 31 декабри, якшанбадан кейинги кун — «Янги Эра» 1 йилнинг 1 январи, келишувга кўра яна якшанбадан бошланиши керак. Демак, янги эранинг биринчи куниданоқ, диний амалларни бажаришда ҳафта кунларида чалкашлик юзага кела бошлайди. Шунга ўхшаш ҳол 80-йилларда, «Ёзги вақт» жорий этилганида сезилган эди. Намозхонлар ўз соатларини 1 соат олдинга сурмаган эдилар. Шу ўринда, сайёрамизда яшаётган 6 миллиарддан ортиқ аҳолининг турли динларга эътиқод қилиши ва бу динларнинг барчасида ҳафтадаги ҳар бир куннинг ўз ўрни, ўз тарихи борлигини эътиборга олсак, таклиф қилинаётган бу тақвимни ҳам қабул қилиш ўта мушкулдир.

■ **Собит ИЛЁСОВ,**
ЎзРФА Улуғбек номидаги Астрономия институти директори ўринбосари, физика-математика фанлари номзоди

БУТУНЖАҲОН КАЛЕНДАРИ

I квартал	Январь					Февраль					Март				
Якшанба	1	8	15	22	29	5	12	19	26		3	10	17	24	
Душанба	2	9	16	23	30	6	13	20	27		4	11	18	25	
Сешанба	3	10	17	24	31	7	14	21	28		5	12	19	26	
Чоршанба	4	11	18	25		1	8	15	22	29	6	13	20	27	
Пайшанба	5	12	19	26		2	9	16	23	30	7	14	21	28	
Жума	6	13	20	27		3	10	17	24		1	8	15	22	29
Шанба	7	14	21	28		4	11	18	25		2	9	16	23	30
II квартал	**Апрель**					**Май**					**Июнь**				
Якшанба	1	8	15	22	29	5	12	19	26		3	10	17	24	
Душанба	2	9	16	23	30	6	13	20	27		4	11	18	25	
Сешанба	3	10	17	24	31	7	14	21	28		5	12	19	26	
Чоршанба	4	11	18	25		1	8	15	22	29	6	13	20	27	
Пайшанба	5	12	19	26		2	9	16	23	30	7	14	21	28	
Жума	6	13	20	27		3	10	17	24		1	8	15	22	29
Шанба	7	14	21	28		4	11	18	25		2	9	16	23	**30**
III квартал	**Июль**					**Август**					**Сентябрь**				
Якшанба	1	8	15	22	29	5	12	19	26		3	10	17	24	
Душанба	2	9	16	23	30	6	13	20	27		4	11	18	25	
Сешанба	3	10	17	24	31	7	14	21	28		5	12	19	26	
Чоршанба	4	11	18	25		1	8	15	22	29	6	13	20	27	
Пайшанба	5	12	19	26		2	9	16	23	30	7	14	21	28	
Жума	6	13	20	27		3	10	17	24		1	8	15	22	29
Шанба	7	14	21	28		4	11	18	25		2	9	16	23	30
IV квартал	**Октябрь**					**Ноябрь**					**Декабрь**				
Якшанба	1	8	15	22	29	5	12	19	26		3	10	17	24	
Душанба	2	9	16	23	30	6	13	20	27		4	11	18	25	
Сешанба	3	10	17	24	31	7	14	21	28		5	12	19	26	
Чоршанба	4	11	18	25		1	8	15	22	29	6	13	20	27	
Пайшанба	5	12	19	26		2	9	16	23	30	7	14	21	28	
Жума	6	13	20	27		3	10	17	24		1	8	15	22	29
Шанба	7	14	21	28		4	11	18	25		2	9	16	23	30

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририятининг жамоаси Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари Абдукарим Раҳимбердиевга падари бузруквори

МИРСАИД отанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

БОШ МУҲАРРИР
Азим СУЮН

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

МУАССИС:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Сиёсат ва ҳуқуқ — 133-44-55
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-12-56
Котибият — 133-21-43
Реклама ва эълонлар 133-38-55, 133-47-80
Факс — 133-73-43, 133-06-83

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-03-80;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 136-53-16;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи
Акбар ЖОНУЗОҚОВ

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Саҳифаловчи-дастурчи
Икромжон ИСМОИЛОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби
№ 00004
Газета офсет усулида, А—2 форматда босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 2002

Топшириш вақти -- 21.00.
Топширилди -- 21.00.

1 2 3 4 5 6

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА